

МАЪЛУМОТ

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
фаолияти натижалари юзасидан*

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан жорий йилнинг 6 ойида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб соҳаларида илмий-тадқиқотларни ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бакалаврият ва магистратуранинг ўқув жараёни Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (*European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS)*) негизида ишлаб чиқилган таълимнинг кредит - модуль тизими асосида амалга оширилмоқда. Ўқув жараёнида барча назорат турларини электрон ўқув портали орқали инсон омилисиз ташкил этиш ва баҳолашнинг шаффоф механизми йўлга қўйилган.

БАКАЛАВРИАТ

Бакалавриятда жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда, узлуксиз ўқув тизими йўлга қўйилди.

Таълимнинг кундузги шаклида “Тергов фаолияти” ва “Прокурорлик фаолияти” шунингдек, “Прокурорлик фаолияти” сиртқи ва масофавий таълим йўналишларида ўзбек ва рус тилларида ўқиш ташкил этилиб, ҳозирда жами 1 173 нафар (ўғил болалар - 951, қизлар - 222) талаба таҳсил олмоқда. (13 та поток ва 39 та гуруҳ)

Кундузги таълим шаклида 895 нафар талаба;

Сиртқи таълим шаклида 154 нафар талаба;

Масофавий таълим шаклида 95 нафар талаба.

“Тергов фаолияти”

1 курсда - 228, 2- курсда - 189, 3 курсда – 228 нафар талаба.

“Прокурорлик фаолияти” кундузги

1 курсда - 111, 2- курсда - 58, 3 курсда – 81 нафар талаба.

“Прокурорлик фаолияти” сиртқи

2 курсда - 70, 3- курсда – 84 нафар талаба.

“Прокурорлик фаолияти” масофавий

1 курсда – 95 нафар талаба.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги ПФ-1-сон Фармони ижроси бўйича Мажбурий ижро бюросининг ўрта махсус маълумотли ходимлари “Прокурорлик фаолияти” йўналиши бўйича таълимнинг сиртқи (2-курсда – 49 нафар) ва масофавий (1 курсда – 71 нафар) шаклларида ўқитилиб келинмоқда.

Талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида дуал таълим машғулотлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Хусусан, “Тергов фаолияти” йўналиши бўйича назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида 2025/2026 ўқув йилида 232 нафар 3-курс талабалари ўқитишнинг дуал таълим шаклига ўтказилди. Иш ўрганиши учун уларнинг 186 нафари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органлари тергов бўлинмалари, 46 нафари прокуратура органларининг малакали терговчиларига бириктирилди.

Суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишга ваколатли давлат органлари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, шу жумладан уларни узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятларини бажариш юзасидан хизматга тақсимлаш чоралари тизимли равишда кўрилмоқда.

Ваколатли органлар томонидан 3 йил муқаддам берилган эҳтиёжга нисбатан бугунги кунга келиб битирувчиларимизга талаб янада ошиб бормоқда.

Хусусан, 2026 йилда “Тергов фаолияти” ҳарбийлаштирилган йўналиши бўйича Божхона қўмитаси томонидан 10 нафар талабага эҳтиёжи мавжудлиги билдирилган бўлсада, ижобий суҳбат натижасига кўра 24 нафар талабага хизматга қабул қилиниши таклиф этилган.

Шунингдек, ДХХга 4 нафар, Ҳарбий прокуратурага 6 нафар талаба хизматга сараланиши таъминланди. Ушбу йўналишни тамомлаган қолган битирувчилар ички ишлар органларига хизматга йўналтирилмоқда.

2026/2027 ўқув йили учун “Тергов фаолияти” йўналишига ўқишга кириш учун жами 9 785 нафар номзодлар рўйхатдан ўтган бўлиб, 2 598 нафар талаба махсус психологик танлов ва ёзма имтиҳондан ўтди ва кейинги босқичга (тестга) тайёргарлик кўрмоқда.

Маълумот учун: 1 ўринга 11,6 та номзод

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Рақамли прокуратура — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 204-сонли Фармони 22 – бандида Бош прокуратура, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йилги қабул параметрлари (квоталари) доирасида кундузги таълим шаклида ўқиш муддати тўрт йилни ташкил этадиган “Киберҳуқуқ” бакалавриат таълим йўналишини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган.

МАГИСТРАТУРА

2025/2026 ўқув йилида Академия магистратурасининг кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий таълим шаклида жами 382 нафар тингловчилар таҳсил олди.

Жорий ўқув йилида “Прокурорлик фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” ва “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассис-ликлари бўйича таълимнинг кундузги, кечки ва сиртқи шаклини муваффақиятли

тамомлаган 254 нафар битирувчиларга “ҳуқуқ магистри” академик даражаси берилиши режалаштирилмоқда.

Янги 2026/2027 ўқув йили учун “Тергов фаолияти” мутахассислигида ўқиш истагини билдирган жами 767 нафар номзоддан 115 нафарининг ҳужжатлари белгиланган тартибда қабул қилинди.

Шунингдек, бошқа мутахассисликлари хусусан “Прокурорлик фаолияти” мутахассислиги бўйича кундузги, кечки ва масофавий, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассисликлари бўйича кундузги ҳамда “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислиги бўйича кундузги (ўзбек ва рус) ва масофавий таълим шаклларида қабул 31 июлга қадар давом этади.

ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Академияда 3 та йўналишдаги “Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш”, “Прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар” ва “Ички ишлар органлари суриштирувчи ва терговчилари учун касбий қайта тайёрлаш ва 2 та йўналишдаги “Малака ошириш курслари” ва “Қисқа муддатли курс” ларда белгиланган режалар асосида малака ошириш курслари олиб борилмоқда.

Жумладан, қайта тайёрлаш йўналишида жами 358 нафар, малака ошириш курсларида 4883 нафар ва қисқа муддатли курсларда 24035 нафар ходимлар малака оширди.

Шундан,

- раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш йўналишида - 13 нафар;
- ички ишлар органлари суриштирувчи ва терговчилари учун касбий қайта тайёрлаш курсида – 253 нафар;
- прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар - 92 нафар;
- малака ошириш курсларида 4883 нафар;
- қисқа муддатли курсларда 24035 нафар ходимлар малака оширди.

Ҳозирда, прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар учун мажбурий бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш курсида 46 нафар ходимларнинг ўқув машғулоти давом этмоқда.

Ички ишлар органлари суриштирувчи ва терговчилари учун касбий қайта тайёрлаш курсида 104 нафар тингловчи ўқитилиб, имтиҳонни мувафаққиятли топширган 103 нафар тингловчиларга диплом берилиб, ҳозирда 35 нафар тингловчилар таълим олмоқда.

МАЛАКА ОШИРИШ

2026 йилнинг 6 ойида 38 та мавзуда 46 та малака ошириш курслари (шундан 19 таси режадан ташқари) ўтказилиб, жами 27890 нафар ходимнинг (прокуратура – 888, Департамент – 900, МИБ – 2235, ИИБ – 799, ДХХ – 122, Божхона – 21, Банк – 291; бошқа ташкилотлар - 22364) малакаси оширилди.

Электив ва мажбурий курсларда малака ошириш

Академиянинг ўқув-таълим порталига жойлаштирилган 43 та мажбурий ва 56 та электив курсларда жами 412 нафар ходимнинг (прокуратура – 382, МИБ – 3, ИИБ - 27) малакаси оширилди.

Шунингдек, масофавий курсларни сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқиш амалиётга жорий этилди ва ҳозирга қадар ушбу курсларни 350 дан ортиқ тингловчилар муваффақиятли якунлади.

Мазкур курсларда 35 та видео дарс ва 21 та видеоли казуслар бевосита сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқилиб дарс машғулотларида фойдаланилмоқда.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2024 йилдаги ПҚ-228-сон қарори ижроси бўйича Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси электрон платформаси ишга туширилди.

Академия томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматига янги ишга қабул қилинган ходимлар, коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларида фаолият кўрсатувчи ходимлар, ички назорат тузилмалари ходимлари, маҳаллий ижро ҳокимияти ходимлари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш аъзолари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига янги ишга олинган ходимлар, ОАВ вакиллари учун 14 та ишчи ўқув-режалари ва ўқув курслари, 10 дан ўқув қўлланма, ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқилиб, Виртуал академия электрон платформасига жойлаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Виртуал академия электрон платформасида 29 638 нафар давлат хизматчилари малакаси оширилиб, уларнинг 22 988 нафари ўқишни тугатган, шу жумладан курсни муваффақиятли тамомлаган 22 634 нафар тингловчиларга сертификатлар тақдим этилган. Ҳозирда 6 651 нафар тингловчилар ўқишни давом эттирмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун Виртуал академияда ташкил этиладиган махсус дастурлар доирасида Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастури доирасида сифатли мультимедияцион фильм, видеолавҳа ва аудиоматериаллар яратилиб, Виртуал академияга жойлаштирилди.

Виртуал академия электрон платформасида ёшлар учун мўлжалланган махсус ўқув дастурларида 2025-2026 ўқув йилида жами 1.035.304 нафар мактабгача таълим тарбияланувчилари, 4.502.512 нафар мактаб ўқувчилари ҳамда 445.633 нафар олий таълим талабалари ўқитилди.

ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Академияда 8 та ихтисослик бўйича доимий ва 5 та ихтисослик бўйича бир марталик илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

2025 йилнинг ўтган даврида Илмий кенгашда ихтисосликлар бўйича жами 20 та юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 7 та фан доктори (DSc) илмий тадқиқот ишлари ҳимоя қилишга эришди, қолган 259 нафар мустақил изланувчи (*198 нафари прокуратура ходимлари*) ва 14 нафар докторант илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Бугунги кунда Академияда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти 69 фоизни ташкил қилади.

Академияда ҳозирги кунда 11 нафар “профессор”, 35 нафар “доцент” илмий унвонига ва 13 нафар фан доктори (DSc), 49 нафар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга ходимлар фаолият юритиб келмоқдалар.

ОАК Раёсати қарори билан мамлакатимиздаги олий юридик таълим муассасаларидан фақатгина Академияга илмий унвонга талабгорлар учун Махсус имтиҳонни ўтказиш ваколати берилган бўлиб, 2025 йилнинг биринчи ярмида юридик ва бошқа олий таълим муассасаларидан талабгорлар махсус имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтган 104 нафарига тегишли сертификатлар топширилган.

2025 йилда 71 нафар талабгор ихтисосликдан ва 80 нафар талабгор чет тилидан малакавий имтиҳон топширган.

Академияда профессор-ўқитувчилар томонидан жорий йилнинг ўтган даврда жами 14 та монография, хорижий илмий журналлар ҳамда халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 150 га яқин (*шундан WEB of Science маълумотлар базасидаги журналларда 38 та*), ОАК рўйхатидаги журналларда 200 га яқин илмий мақолалар, шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги конференция тўпламларида 250 дан ортиқ тезислар чиқарилди.

Шунингдек, халқаро доирада илмий изланиш гуруҳлари ва қўшма тадқиқотлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган.

Масалан, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Академияси кафедра мудирини Жанар Сейтаева Секежановна томонидан академияда “Правовые и организационные основы деятельности правоохранительных органов Республики Казахстан и Узбекистан по противодействию торговле людьми”, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари Кусаинова Асель Кадырбековна “Институт компенсации морального вреда в гражданском праве Республики Казахстан и Республики Узбекистан: сравнительно-правовой анализ”, Каиржанова Дина Каиркельдиновна “Защита прав и свобод человека в цифровом пространстве Казахстана и Узбекистана” мавзуларида илмий тадқиқот олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2026 йил 6 ойида 3 та мақсадли амалий тадқиқот лойиҳаси тайёрланиб, шундан 4 (2) таси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан тасдиқланган.

РАҚАМЛИ КРИМИНАЛИСТИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Ўтган даврда Институт томонидан муайян натижалар қайд этилди. Жумладан:

- ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар шу жумладан кибержиноятларни фош этишга кўмаклашиш бўйича рақамли экспертиза йўналишида 366 та эксперт хулосалари ва мутахассис фикрлари тақдим этилди;

- 43 дан ортиқ рақамли ахборот ташувчи қурилмалар соз ҳолатга келтирилиб мураккаб компьютер-техникавий экспертизалар ўтказилди, маълумотлар тикланиб, рақамли излар таҳлил қилинди;

- Ўзбекистон Республикасида кибержиноятчиликка қарши курашиш аҳволи тўғрисида таҳлилий маълумотлар қарор қабул қилиш учун ваколатли органларга юборилди;

- амалиётдаги камчиликлардан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш, коллизияларни бартараф этиш ва ҳуқуқ нормаларини рақамли ҳақиқатга мослаштириш бўйича 15 дан ортиқ таклифлар киритилди.

Институт суриштирув ва тергов органлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, тезкор тадбирларда иштирок этиш билан бирга, терговчилар, экспертлар ва прокурорлар учун ўқув-амалий тадбирлари ўтказиб, услубий тавсиялар ва ҳаракатлар алгоритмларини ишлаб чиқмоқдалар.

Мисол учун: Институт ходимлари томонидан ДХХ Фарғона вилояти бўйича бошқармаси ходимлари билан биргаликда Фарғона вилоятида жами 8 трлн. 357,4 млрд. сўмга тенг бўлган 641.505,23 USDT миқдорда крипто-активларни қонунга ҳилоф равишда айирбошлаш ҳамда терроризмни молиялаштириш жинояти фош этилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278⁸-моддаси 3-қисми “а” банди ҳамда 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан жиноят иши қўзғатилиши таъминланди. Тергов давомида Институт мутахассислари кўчма рақамли криминалистика автотранспорт воситаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда гумон қилинувчиларнинг яшаш хонадонида ўтказилган тинтувда иштирок этиб, 15 тадан ортиқ рақамли маълумот ташувчи қурилмалар бўйича воқеа жойининг ўзида тадқиқ ўтказилиб, тергов учун аҳамиятли электрон маълумотлар тергов органига тақдим этилди.

Яна бошқа ҳолатда: Институт ходимлари кўмагида Наманган вилояти ИИБ АТСЖҚКБ томонидан қонунга ҳилоф равишда 1,164 млн. USDT миқдоридаги крипто-активларни қонунга ҳилоф равишда айирбошлаш, яъни крипто-активларни сўм валютаси эвазига сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланиб келган шахслар аниқланди. Институт мутахассислари томонидан ўтказилган крипто-активлар тадқиқоти натижасида тақдим этилган маълумотлар асосида гумон қилинувчи шахсларнинг шахсига аниқлик киритилиб, инкор этиб бўлмайдиган рақамли далиллар тўпланди. Мазкур ҳолат юзасидан бир гуруҳ шахсларга нисбатан ЖКнинг 278⁸-моддаси 2-қисми “а”

ва “б” бандлари, 278⁸-моддаси 3-қисми “а” банди ҳамда 169-моддаси 3-қисми “б” ва “в” бандлари билан айб эълон қилиниб, жавобгарлик муқаррарлиги таъминланди.

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ МУАММОЛАРИНИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2026 йилдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1 ва ПҚ-2 сонли Қарорлари, Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан жорий йилнинг 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари ижросини бўйича Академия томонидан қуйидаги йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда:

1-йўналиш: Академия ходимлари (*Марказ катта прокурори В.Турабов*) Республика идоралараро мувофиқлаштириш штабининг доимий фаолият кўрсатувчи Ишчи гуруҳи аъзоси ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ишчи гуруҳ билан бирга В.Турабов Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, юқорида кўрсатилган қонунчилик талабларини ижроси ўрганиб келинди.

2-йўналиш: ПҚ-2-сон қарор Академияга уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган 74 маҳалла (*Қашқадарё-36, Жиззах-16, Сурхондарё-12, Тошкент в.-8, Тошкент ш.-2*) бириктирилди.

Академияда ташкил этилган Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан “илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойили асосида ҳудудларга чиқилиб, маҳаллалардаги криминоген вазият комплекс ўрганилиб, маҳаллалардаги криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи сабаб ва омиллар, жиноятни содир этишга замин ярататаётган шарт-шароитлар ҳамда ижтимоий-маиший муаммолар, олиб борилаётган профилактик ишлар таҳлил қилинди.

Қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларнинг тизимли назоратини таъминлаш мақсадида, Академияда ПҚ-1 ижросига масъул бўлган тармоқ раҳбарлари ва ходимлари иштирокида мунтазам муҳокама ва фикр алмашинуви йўлга қўйилди.

Академиянинг 20 нафар профессор-ўқитувчилари жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган барча 74 та маҳаллаларида бўлишиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларини илмий ёндашувлар асосида ўрганишди.

Маҳаллалардаги криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи сабаб ва омиллар, жиноятни содир этишга замин ярататаётган шарт-шароитлар ҳамда ижтимоий-маиший муаммолар, олиб борилаётган профилактик ишлар таҳлил қилинди.

3-йўналиш: Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Бектемир туманлари Бош прокурор ва Республика Ҳарбий прокурорига бириктирилганлиги сабабли, ушбу туманлардаги ишчи гуруҳга илмий ёндашув асосида таҳлилий кўмак кўрсатиш учун Академия ходимлари жалб этилган.

Айни вақтда бу борада ҳам барча йўналишларда ишлар ташкил этилган. Академия ходимлари белгиланган маҳаллаларида бўлиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларини илмий ёндашувлар асосида ўрганмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллаларга бириктирилган гуруҳлар ва маҳалла еттилиги ўртасида доимий узлуксиз алоқа ўрнатилиб, ҳуқуқбузарликлар мониторингини амалга ошириш ҳамда муаммоларга тезкорлик билан ечим механизми йўлга қўйилди.

Академияда крипто-активлар айланмаси соҳасида содир этиладиган жиноятларни тергов қилиш жараёнида юзага келадиган процессуал-ҳуқуқий, техник ҳамда криминалистик масалаларни комплекс тарзда қамраб олган, рақамли далилларни қонуний тартибда тўплаш, процессуал жиҳатдан қайд этиш, сақлаш ва таҳлил қилишга оид амалий тавсиялар, электрон ахборот ташувчилар ҳамда рақамли қурилмалар иштирокида тергов (процессуал) ҳаракатларини ўтказишнинг босқичма-босқич алгоритмлари баён этилган “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилди.

Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг февраль ойида Академия профессор-ўқитувчилари томонидан Олмазор туман ИИО ФМБда туман терговчилари ҳамда ТБ таркибидаги 5 та ихтисослаштирилган терговга қадар текширув гуруҳи ходимлари учун “Терговга қадар текширув фаолияти” мавзусида 18 соатга мўлжалланган масофавий малака ошириш курси ўтказилди. Ушбу курсда туман ИИО ФМБнинг 23 нафар терговчилари ҳамда ТБ таркибидаги 5 та ихтисослаштирилган терговга қадар текширув гуруҳининг 27 нафар профилактика инспекторлари қатнашишди.

Олмазор туман ИИО ФМБ терговчилари учун “Жиноятларни квалификация қилиш, дастлабки терговни ташкил этиш ва ўтказишнинг долзарб масалалари” мавзусида анъанавий шаклда 23 нафар терговчиларнинг хизмат хонасига борган ҳолда офлайн малака ошириш курси олиб борилмоқда, курс 68 соатга мўлжалланган бўлиб, жорий йилнинг *февраль-сентябрь ойлари давомида* ўтказилади. Машғулотлар 2 та гуруҳга бўлинган ҳолда интерактив методлар, мунозара ва муҳокама шаклида олиб борилмоқда.

Олмазор тумани терговчиларига амалий ёрдам бериш учун “Терговга кўмаклашиш гуруҳи” тузилди. Гуруҳга Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тергов фаолияти билан боғлиқ кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлари жалб қилинди. Ушбу гуруҳ Олмазор туман ИИБ терговчилари иш юритувидаги жиноят ишларининг ўз вақтида ва сифатли

тергов қилинишига кўмаклашиб, гуруҳ ҳар ҳафтада камида бир кун ИИБ Тергов бўлимига бориб, терговчиларга амалий ёрдам беради.

Бундан ташқари, Бектемир тумани ИИО ФМБ терговчилари учун “Жиноятларни квалификация қилиш, дастлабки терговни ташкил этиш ва ўтказишнинг долзарб масалалари” мавзусида анъанавий шаклдаги малака ошириш курси ўтказилди.

Шунингдек, Бектемир туман ИИО ФМБ терговчиларига амалий ёрдам бериш мақсадида, Академиянинг тергов фаолияти билан боғлиқ кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимларидан иборат “Терговга кўмаклашиш гуруҳи” тузилган бўлиб, улар терговчиларга амалий ёрдам бериб келишмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, ҳарбий прокурорнинг топшириғига асосан тумандаги Забардаст, Миришкор ва Бектемир маҳаллаларида содир этилган жиноятларнинг туб сабаблари, уларни олдини барвақт олдини олиш борасида илмий ҳамда виктимологик тадқиқот ишлари ҳам алоҳида олиб борилмоқда.

4-йўналиш: Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 27 январь куни Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси бўйича Яшнобод (67 та), Шайхонтохур (51 та) ва Бектемир (18 та) туманларидаги маҳаллаларда жами 736 нафар тингловчидан иборат аудитория учун (*маҳалла раислари - 127, профилактика инспекторлари - 242, хотин-қизлар фаоллари - 104, ёшлар етакчилари - 131, ҳоким ёрдамчилари - 132*) иштирокида ягона дастур асосида қуйидаги модуллар асосида ўқув машғулотлари ўтказилди:

- Жиноятларни барвақт олдини олиш;
- Ижтимоий профилактика;
- Наркожиноятларга қарши курашиш;
- Маъмурий-юрисдикцион фаолият;
- Амалий психология;
- Муаммоли социология;
- Рақамли саводхонлик;
- Кибермаданиятни шакллантириш;
- Иш юритишни ташкил этиш.

Ушбу ўқув машғулотларида АҚШнинг Техас университети Эл-Пасо филиали “Жиноят одил судлов” (Criminal Justice) кафедраси бошлиғи Лин Аларид “Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва профилактикаси” мавзусида маъруза билан иштирок этди.

Шунингдек, Шайхонтохур, Яшнобод ва Бектемир туманлари тажрибаси асосида жорий йилнинг 4 ойи якунида қизил тоифадаги

маҳаллаларнинг “маҳалла еттилиги” аъзоларининг касбий малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 7-19-май кунлари масофавий семинар-тренинглар ўтказилиб, унда Республика миқёсида 2026 йилнинг 4 оyi якуни бўйича қизил тоифадаги 349 та маҳалланинг 2 443 нафар “маҳалла еттилиги” аъзолари жалб қилинди.

5-йўналиш: ПҚ-1 сонли Қарор ижроси доирасида, республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ томонидан республиканинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ўрганишлар даврида, Академиянинг малакали ходимлари иштирокида прокуратура ва ички ишлар органлари терговчилари учун “Долзарб кибертаҳдидлар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари” ҳамда “Терговга қадар текширув ва жиноятларни тергов қилиш даврида йўл қўйилаётган процессуал хато ва камчиликларнинг таҳлили (оқлов ҳукмлари мисолида)” мавзуларида республиканинг барча ҳудудларида ўқув-амалий семинарлар ҳам ташкил этилмоқда.

Академия томонидан амалга оширилаётган ишлар мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб келинмоқда.

ЎШЛАР БИЛАН ИШЛАШ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЙЎНАЛИШИ

Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2026 йилнинг 1-чоракида ўтказилган маданий-тарбиявий тадбирлар доирасида 20 та байрам тадбирлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш дастурлари доирасида 11 та турли ҳил мусобақалар ҳамда учрашувлар ташкил қилинди.

Жумладан, талаба ва тингловчилар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинлари, “Захириддин Мухаммад Бобур” таваллудига бағишланган тадбир, “Бўлажак прокурорлар клуби”, А.Навоий таваллудига бағишланган “Навоий номи ила яшаймиз мудом” тадбирларида талабалар фаол иштирок этиши таъминланди.

Академиянинг спорт йўналиши бўйича шахмат, стол тенниси, ҳарбий эстофета, футбол, югуриш марафони, киберспорт доирасида талабалар мусобақаларда фаол иштирок этди.

“Jessup” номидаги “Moot court” халқаро мусобақасида Академия талабалари жамоаси 3-ўринни, Олий таълим ташкилотлари орасида Академия талабалари суд иммитациясида 1-ўринни қўлга киритишга эришишди.

Академияда 2026 йилда 1 нафардан талабалар “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси” ва “Ислом Каримов” номли стипендиялари қўлга киритди.

Академия киберспорт бўйича терма жамоаси “Counter Strike” ҳамда “PUBG mobile” ўйинлари бўйича ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этди.

Мамлакатда экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида Академияда “Плоггинг” экологик марафони ташкил этилди (300 дан ортиқ иштирокчилар қатнашди). Академия жамоаси Тошкент шаҳрида ҳар ой ўтказиладиган плоггинг экологик марафонида иштирок этмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШИ

2026 йилнинг 1-ярим йиллигида халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича хорижий ҳамкорлар билан 115 дан ортиқ тадбирлар, шу жумладан 75 дан ортиқ учрашув, 30 га яқин семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Академияга хорижий делегациялар (АҚШ, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Беларус, Тожикистон) вакилларининг 10 га яқин ташрифи амалга оширилди.

Жорий йилда Академия ва хорижий олий ўқув муассасалари билан 5 та ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва академик алмашинувга оид келишувлар имзоланди.

(Миграция бўйича халқаро ташкилот, Шимолий Джоржия университети (АҚШ), Шракбек Кабилбаев номидаги Костанай академияси (Қозғистон) билан меморандумлар, Польшанинг Гданьск университети билан академик алмашинувга оид келишув)

Халқаро ҳамкорлик доирасида Академия томонидан педагогик ва илмий ходимлар ҳамда тингловчиларнинг стажировкалари тизимли равишда ташкил этилиб, академик мобиллик дастурлари фаол амалга оширилмоқда.

Академия фаолиятига АҚШ, Буюк Британия, Беларусь, Япония, Россия, Латвия, Польша, Франция, Тунис, Молдова, Нидерландия, Швеция, Корея давлатларидан 20 дан ортиқ юқори малакали хорижий мутахассислар (экспертлар) жалб қилиниб, улар иштирокида 15 дан ортиқ семинар, тренинг, ўқув машғулоти ва қўшма илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда қўшма илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш мақсадида Академиянинг 39 нафар ходимлари ҳамда 34 нафар тингловчи ва тадқиқотчиларининг 20 га яқин давлатга 25 дан ортиқ хорижий хизмат сафарлари ташкил этилди.

Академия илк бор нуфузли Times Higher Education Impact Rankings 2026 рейтингига юқори 801-1000-университетлар рўйхатига кирди.

Бунда, Академия Барқарор ривожланиш мақсадларининг (SDG) 8, 9, 10, 13 15 ва 16-мақсадлари бўйича юқори 401-600 университетлар, 1, 4 ва 11-мақсадлар бўйича эса юқори 601-800 университетлар рўйхатига кирди.

Бу эътироф Академиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим ва тадқиқотларни ривожлантиришга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва илғор академик муҳитни яратишга бўлган интилишларини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида жорий йилнинг 16 апрель куни “Ўзбекистон Республикасида хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизликни таъминлаш учун кадрлар тайёрлашнинг замонавий ёндашувлари: киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Унда 100 га яқин етакчи хорижий олий таълим муассасалари раҳбар ва вакиллари, миллий ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди. Конференция доирасида хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизликни таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда соҳада юзага келаётган муаммо ва уларнинг ечимларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 21-22 май кунлари “Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги” мавзусида “Tashkent Cyberlex-2026” халқаро илмий-амалий форуми ташкил қилинди.

Форум Ялпи йиғилиш ҳамда тематик 6 та алоҳида сессиялардан иборат бўлиб, аралаш шаклда (*оффлайн ва онлайн*) 2 кун давомида ўтказилди.

Форумда 103 нафар хорижий ҳамда 179 нафар миллий таълим муассасалари, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, халқаро, хорижий, минтақавий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари – раҳбарлари, экспертлари, амалиётчилар, етакчи олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирок этишди (жами 300 га яқин). Шундан, 57 нафар хорижий экспертлар бевосита иштирок этди.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ЙЎНАЛИШИДА

Академиянинг proacademy.uz расмий веб-сайти 4 версияси: ўзбек тилида лотин ва кирил алифбосидаги версиялари, рус тилидаги ҳамда инглиз тилида юритилиб, маълумотлар кундалик янгиланиб келинмоқда.

Академиянинг ижтимоий тармоқлар ҳамда мессенджерлардаги канали ва саҳифалари мунтазам фаолият юритиб, кундалик янгиланади (ўртача 8-9 та пост), бу ўз навбатида обуначилар сонининг ошиб боришига имкон берди.

Академия расмий ижтимоий тармоқлардаги обуначилар сони қарийб 50 000 нафарни ташкил қилди: “Telegram” канали обуначилари сони 14 490 нафардан ошди, “Instagram” тармоғи обуначилари сони эса 25 800 нафардан ошди, Facebook обуначилари 4 700 нафардан ошди, Twitter тармоғи обуначилари 156 нафар, YouTube обуначилари 4 630 нафардан ошди.

Жорий йилнинг 6 оyi давомида Академия расмий веб-сайтида фаолиятнинг турли йўналишларида 290 дан зиёд янгилик, эълон ва пресс-релиз, 1 750 дан зиёд материал ижтимоий тармоқлар ва мессенджерлардаги янгиликлар канали ҳамда расмий саҳифаларида эълон қилинди.

Оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорлик олиб борилиб, телевидение, радио ва интернет нашрларида Академия фаолиятига оид 300 дан ортиқ материал эълон қилинди.

Шунингдек, фаолият очиқлигини таъминлаш борасида тизимли тадбирлар ташкил этиб келинди, бакалаврият ва магистратурага қабул жараёнларида 13 марта “Очиқ эшиклар кун” ўтказилди.

Академия бакалавриати талабалари иштирокида ташкил этилган медиатўгарак томонидан 9 та ижтимоий видеоролик тайёрланди Интернет тармоғида ёритилди.